

Азиз Қаюмов

4

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси

Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи

Азиз ҚАЮМОВ

Асарлар

4-жилд

НОДИР САҲИФАЛАР

«Бу оҳанг ила бўлғасен нақшбанд...»

Алишер Навоий (Машҳур сиймолар ҳаёти)

**Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” девони
хусусида**

Тошкент
«MUMTOZ SO'Z»
2009

83.3(5Ў)

ҚЗЗ

Қаюмов Азиз. Асарлар / А.Қаюмов; Таҳрир ҳайъати: Ҳ.Болтабоев, И.Ғафуров, М.Маҳмудов, Ю.Турсунов; Масъул муҳаррир: С.Ҳасанов. Нашрга тайёрловчи: Ф.Икромова; Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи. - Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2009

Т. IV. Нодир саҳифалар, “Бу оҳанг ила бўлғасен нақшбанд...”, Алишер Навоий (Машҳур сиймолар ҳаёти), “Ғавойид ул-кибар” девони хусусида. -368 б

ББК 83.3(5Ў)

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи 2008 йилдан бошлаб академик Азиз Қаюмовнинг «Асарлар»ини нашр қилмоққа киришди.

Уларда олимнинг Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Ҳувайдо, Фурқат каби йирик ўзбек адибларининг ижодига оид асарлари бор.

Шунингдек, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек Мирзо каби буюк олимлар илмий фаолиятига доир илмий-оммабоп китоблари, Ўзбекистон академиклари тўғрисидаги рисоалари бу нашрдан ўрин олган. Булардан ташқари ўзбек, форс-тожик адабиёти тарихига оид мақолалари, илмий ишлари, таржималари ҳам «Асарлар» тўпламига киритилган.

Масъул муҳаррир: Саидбек Ҳасанов.


Нашрга тайёрловчи: Ф.Икромова. М.Рашидова.

Тақризчи: Суйима Ғаниева

Таҳрир ҳайъати: Ҳ.Болтабоев, И.Ғафуров, М.Маҳмудов, Ю.Турсунов.

№ 699-2290-2008

ISBN 978-9943-362-03-8



© Қаюмов Азиз, 2009

© «MUMTOZ SO'Z», 2009

Арх/2011-56/4

НОДИР САҲИФАЛАР

**(Навоийнинг кам ўрганилган баъзи асарлари
тўғрисида)**

“НАСОЙИМ...”НИ ВАРАҚЛАГАНДА

Навоийнинг оила аъзолари ва яқинлари тўғрисида шоирнинг “Насойим ул-муҳаббат” китобида бирмунча қизиқарли маълумотлар учрайди. Хусусан, Навоийнинг отаси тўғрисида келтирилган бир лавҳа диққатга сазовордир. Навоий ўз отаси тўғрисида бундай ёзади: “Бу фақирнинг отасининг фуқаро аҳлига кўп иродат ва ихлоси бор эди”.¹ Отасининг бу хислатини Навоий Бобо Кўкий тўғрисидаги мақолада зикр қилади.

Подшоҳ фармонига кўра, Навоийнинг отаси Астробод вилоятига бормоқда эди. Йўлда унга бир мажнунсифат мажзуб учрайди. Иродат аҳли қоидасига биноан Навоийнинг отаси дарвешга бир дирам садақа узатади. Дарвеш садақани олмайди, устингдаги курта жуббани бергин, дейди. Ҳаво совуқ эди. Навоийнинг отаси отни суриб ўз йўлида давом этади. Тўхтов жойига келганда яна ҳалиги мажзуб йигит келиб, Навоийнинг отасидан ўша курта жуббани сўрайди. Орадан бир неча кун ўтгач, Навоийнинг отаси Астрободга етиб келади ва бу ерда бир яланғоч дарвеш унга учрайди. Навоийнинг отаси устидаги курта жуббани ечиб ўша дарвешга кийгизади. Бир лаҳза ўтгач, йўлда учраган мажзуб йигит келиб Навоийнинг отасига қараб, курта жуббани олдим, дейди. Демак, яланғоч бўлиб келиб жуббани олган дарвеш ўша йўлда учраган мажзуб йигит экан.

Навоийнинг отаси Астрободда анча фурсат бўлган. Бу ерда ҳиротлик мажзуб дарвеш Бобо Кўкийнинг овозаси ёйилган эди. Навоийнинг отаси Астрободдан Ҳиротга қайтгач, билганки, унга йўлда дуч келган ва, ниҳоят, курта жуббани олган дарвеш Бобо Кўкий экан.

Бу воқеани Навоийга отасининг ўзи айтиб берган.

Ана шу кичик лавҳа Навоийнинг отаси тўғрисидаги тасаввуримизни тўлдиради.

“Мажолис...”да Навоий Мир Иброҳим Султон Ҳусайн ўғли тўғрисида сўзлаб, “фақирнинг отасининг набирасидир. Фақир ани ўғилсилай асрабмен”² — деб ёзади. Унинг отаси Ҳусайн Навоийнинг акасига куёв бўлган. Демак, Мир Иброҳим Навоий қиз жиянининг фарзанди бўлиб,

¹ Алишер Навоий. Асарлар. XV том. 1968. 162-163 бетлар.

² Алишер Навоий. Ўша асар. XIII том.

Навоийнинг тарбиясида ўсган. Тахаллуси Ҳотамий эди. Султон Ҳусайннинг отаси Шайх Баҳдулбек Хоразм ҳукуматида муҳрдор бўлган, отаси эса Балх ҳокими эди. Султон Ҳусайн ҳам, Мир Иброҳим ҳам таъби назми бор кишилар эдилар. Навоийнинг тоғалари Мир Саид Қобилий ва Муҳаммад Али Ғарибийлар таниқли шоир бўлганлари маълум.

Бу маълумотлар Навоийнинг оилавий муҳитида шеър ва адабиётнинг кенг ўрин тугганини кўрсатади.

“Насойим...”да Мавлоно Муҳаммад Табодгоний тўғрисидаги маълумотлар Навоийнинг дўстлари ва яқинлари даврасини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Муҳаммад Табодгоний “кибар асҳобидан” эди. У шайх Зайниддин Ховафийнинг “кибр хулофасидан” бўлган. Шайх Ховафий Табодгон қишлоғига борганида кичик ёшли Муҳаммад унинг суҳбатига ғоят қизиққан. Шайх бу болага эътибор бериб, уни таҳсилга боришга маслаҳат берган. Шундан кейин Муҳаммад Табодгоний Ҳиротга келган ва Ферузобод бозоридаги Мадрасаи Сабзда зоҳир илмини таҳсил қила бошлаган. Тезда у Шайх Ховафийнинг энг ишончли ёрдамчиларидан бири бўлиб қолган. Бу тўғрида Навоий ёзади: “Шайх дер эрмишларки, Мавлоно Шамсиддин сариг олтун эрди. Биз ани секказада қилдук. Ва ҳар кимга мактубе ё руқба битсалар эрмиш, аларга буюрурлар эрмиш ва истиҳсон қилиб дер эрмишларки, бизнинг мо физ замиримизни битерсен”³

Мавлоно Муҳаммад Табодгоний “Асмоуллоҳ” шарҳи, “Манозил ус-соирйн”, “Қасидаи Бурда” муҳаммаси, “Тазкират ул-ҳабиб”, “Васоё”, “Арбаин” таржималарининг муаллифларидир. Шайх Ховафий вафотидан сўнг муршидлик шу кишига ўтган. Бу ҳақда “Ва хоссу омнинг ружуъи алар хизматида воқеъ эди”, (159 бет) деб ёзади Навоий.

Мавлоно Муҳаммад Табодгоний мусиқани жуда сезган. У ёқимли мусиқий унлардан шу қадар таъсирланар эдики, уларни тинглаганда гоҳ сакраб туриб кетар, гоҳ беҳол бўлиб йиқилиб қолар эди. Муҳаммад Табодгонийнинг ғоят ҳалим ва хушфёъл эканини билдирувчи қуйидаги ҳикояни Навоий “Насойим...”да келтирган:

“Муғанние бор эрди, аммо кичик ёшлиғ ва девонасор

³ Алишер Навоий. XV том. 158-159 бетлар (Кейинги мисоллар шу томдан олиниб, саҳифаси қавс ичида кўрсатиб берилади).

ва шўҳ эрди. Мажлисида ўлтуратурғоч, секриб ул азизнинг бўйнига миниб депсар эрди. Алар рифқ ва мадуро била айтур эрдилар: ҳордингиз эркин, тушсангиз ҳам сиз билурсиз. Эл маломат қилдилар эрса, алар манъ қилдиларки, кўп ташқари бозорга ушбу дастур била мени элт. Агар деса эрди, элтмоғдин ўзга не чора бор эрди” (71 бет).

Айтилганлардан маълум бўладики, Мавлоно Муҳаммад Табодгоний илм ва ҳилмда баравар даражада камол топган бир зот эрди.

Навоий ўзининг Муҳаммад Табодгоний билан тез-тез учрашиб турганини билдириб, “Фақир алар хизматида кўп иродатим бор эрди” (71 бет), деб ёзади. Яна “Бу фақирга илтифотлари кўп эрди” (159 бет) деб, улар ўртасидаги муносабатларни таъкидлаб ўтади. Навоийнинг Муҳаммад Табодгоний суҳбатида бўлганлиги тўғрисидаги бир тафсилот Юсуф бинни Ҳусайн Розий тўғрисидаги мақолада бор. Нишопурлик бир зоҳиднинг савдогар ўртоғи ўз севиклиси бўлмиш турк аёлни зоҳидга омонат қолдириб, ўзи сафарга кетган. Бу зоҳид ўша аёлга кўнгил бериб, омонатга хиёнат қилган. Сўнг у ўз қилмишидан пушаймон бўлиб Райга Юсуф ибн Ҳусайн Розий ҳузурига тавба қилмоққа келган. Одамлар Юсуф ибн Ҳусайнни кофир ва зиндиқ дер эдилар. Зоҳид Юсуф ибн Ҳусайнни бир бузуқ жойда сочлари, тирноқлари ўсиб кетган, хароб ҳолда кўрган ва ундан, нега сен ўзингни бундай жунун ва бесаруполикқа солиб юрасанки, одамлар сени кофир ва зиндиқ дейдилар, деб сўраган. Имом жавоб бериб дебдики, савдогар мени яхши киши деб ўйлаб канизагини омонатга топширмасин учун: зоҳид хижолатда қолиб тавба қилиб Нишопурга қайтган.

Навоий бу ҳикояни Мавлоно Табодгонийдан эшитганини айтади: “Бу фақир ўзум бу нақлни қошифи улуми раббоний Мавлоно Муҳаммад Табодгонийдан эшиттимки...” (82 бет).

Бир суҳбатда Муҳаммад Табодгонийнинг ўзи Навоийга ёшининг саксон саккизга етганини айтган. “Насойим...”да Навоий ёзадики, Мавлоно Муҳаммад Табодгоний 891/1486 йилда Чилғозий маҳалласида дунёдан ўтган ва Хиёбонда дафн этилган. Ўша йили Навоий қирқ беш ёшда эди.

Навоий “Мажолис...”да ҳам Муҳаммад Табодгонийга

МУНДАРИЖА

“НАСОЙИМ...”ни варақлаганда	4
“ВАҚФИЯ”	10
СЕВГУВЧИ КҮНГИЛ ИЛТИЖОЛАРИ	35
ФАСОДЧИЛАР ИҒВОСИ (“Сирож ул-муслимин”нинг ёзилиш сабаблари)	42
АФСОНАЛАР ВА ҲИКМАТЛАР	44
Биринчи ҳикоят	48
Жиноят	50
Эзгу ишлар	52
Бутун дунё тўфони	54
Янги авлод	56
Раҳмли ота (Иброҳим)	58
Исҳоқ	61
Юсуф ва Зулайҳо	62
Абдий ҳаёт	66
Сабр ва садоқат	66
Эзгулик йўлида	68
Ибратли лавҳалар	73
Довуд ва унинг ўғли Сулаймон	76
Хато ва кечирим	80
Сўнги воқеалар	81
Исо ҳикояси	82
Асҳоби Қаҳф	85
Уч ҳикоя	87
Ҳакимлар ҳикмати	91
Ҳикматлар	96
Шеърлар	100
АЖАМ ҲУКМРОНЛАРИ ТАРИХИДАН	
(Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” асари)	103
Биринчи табақа. Пешдодийлар	105
Иккинчи табақа. Кайёнийлар	111
Учинчи табақа. Ашконийлар	113
Тўртинчи табақа. Сосонийлар	123
Маснавий	134
“Тарихи мулуки Ажам”даги бошқа шеърлар	137
Кайёнийлар тўғрисидаги шеърлар	142
Сосонийларга оид шеърлар	148

«БУ ОҲАНГ ИЛА БЎЛГАСЕН НАҚШБАНД»

Нақшбандия муршиди	160
Баҳовуддин Нақшбанднинг ҳаёт йўли	162
Нақшбандийлик таълимотининг асослари	170
Яқун ва вазифалар	181
Алишер Навоий(Машҳур сиймолар ҳаёти)	
Хушхабар	186
Дилкаш суҳбатлар.....	189
Мактаб.....	192
Қироат дарси.....	194
Тафти шахридаги учрашув	196
Сабзавор.....	199
Суҳбат.....	202
Дарслар	205
Ёшлик йиллари	208
Лутфий.....	215
Сайид Ҳасан Ардашер.	216
Муҳаммад Паҳлавон	218
Шайх Камол Турбатий	224
Самарқанд	226
Мударрис таърифи	232
Улоий Шоший	234
Шеър баҳси	235
Аҳмад Ҳожибек Вафой	240
Сиёсий қурашлар	245
“Ҳилолия”	252
Хуросонда Ҳусайн Бойқаро салтанати	255
“Вақфия”.....	257
Севги ва эзгулик мисралари	259
“Девоний Фоний”	267
Абдурахмон Жомий.....	270
Астробод.....	281
Тухматчилар ҳуружи	288
Умр якуни.....	293
УЛУҒ ЁШ ФЙДАЛАРИ Навоийнинг “Фавойид-ул кибар” девони хусусида	295

Ushbu kitob bilan to'liq tanishish uchun O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Asosiy kutubxonasiga tashrif buyuring.

Manzil: Toshkent shahri, 100100, M.Ulug'bek tumani, Ziyolilar ko'chasi, 13-uy.